



МУДОФАА ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДАН МАҚСАД МАМЛАКАТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни Чирчиқ дала ўқув майдонида юқори даражадаги жанговар шайлиққа келтирилган бўлинмаларнинг махсус-тактик машқларини кузатди.



Шавкат Мирзиёев 2018 йил 10 январь куни ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутқида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, миллий армиямиз жанговар шайлигини ошириш борасидаги ишлар ҳақида тўхталар экан, олдинда турган муҳим вазифаларни ҳам санаб ўтган эди.

Жумладан, қўшинлар исталган дақиқада ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга қодир бўлиши керак. Улар жанговар тайёргарлигининг янги тизими бўйича мунтазам шугулланиб бориши, барча ҳарбий хизматчилар ҳақиқий профессионал кадр бўлиши учун ўз соҳасини пухта эгаллаши шарт экани таъкидланган эди.

Берилган топшириқлар асосида жанговар тайёргарлик учун мунтазам шугулланиш, ҳарбий хизматчиларнинг касб малакасини ошириш ва ўз йўналишини бўйича вазифаларни аниқ бажаришга эришиш учун кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилади. Жанговар тайёргарлик дастурлари қайта кўриб чиқилди, бунда, аввало, ҳарбий хизматчиларнинг руҳий жиҳатдан чидамли бўлишига эътибор қаратилди. Қўшинларни энг замонавий турдаги ҳарбий техника ва қуrol-яроғ билан таъминлаш, чоралари кўрилади. Буларнинг барчаси бутун дунёда, жумладан, ён-атрофимизда халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи тобора ортиб бораётган бир вақтда, эҳтимолий таҳдидларга қарши муносиб зарба беришга тайёр бўлишимиз, Ўзбекистоннинг тинч ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёев кўрсатмасига биноан, Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар тайёргарлигини текшириш учун жорий йил 26 ноябрь эрта тонгда қўшинлар «Тревога!» сигнали билан юқори жанговар шайлиқ ҳолатига келтирилди.

Тўсатдан текширувнинг асосий мақсади — жорий йил давомида Мудофаа вазирлиги қўшинлари ва бошқарув органларида амалга оширилган ишларни баҳолаш ҳамда таҳлил қилишдан иборат эди. Ҳозирга қадар Ўзбекистон армиясида бу каби текширув ўтказилмаган.

Сигналдан сўнг Мудофаа вазирлиги марказий аппарати, барча ҳарбий округ ва бўлинмаларда зарур ташкилий ишлар амалга оширилди. Ҳарбий полигонларда бир неча махсус-тактик машғулотлар ўтказиш учун қўшинлар колонна бўлиб чиқиб кетди.

Бунда асосий эътибор қўшинларни барқарор ва узлуқсиз бошқаришни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилди. Текширувнинг барча босқичларида хавфсизлик қондаларига, ҳарбий техника ва қуrolларнинг созланишига қатъий риоя қилинапти. Тўсатдан текширув давомида махсус тузилган идораларро ишчи комиссия қўшинлар ҳаракатини назорат қилиб, таҳлил этиб бормоқда.

Юқори даражадаги жанговар шайлиққа келтирилган бўлинмаларнинг эҳтимолий хавфини қайтаришга доир махсус-тактик машқлари Чирчиқ дала ўқув майдонида ҳам ўтказилди.

Машғулотлар шартига кўра, мамлакатда ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, иқтисодиёт тармоқлари, ўта муҳим объектлар, аҳолининг оммавий йиғилиш жойларида қўпуровчилик актиларни содир этиш ҳамда шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларида оммавий тартиббузарликлар келтириб чиқаришни мақсад қилган, давлат chegarасига яқин ҳаракатланаётган шартли душмани аниқлаш ва яқсон қилиш машқларида хаво-десантчилар, артиллеристлар, мото-ўқичлар, танкчилар, махсус операция кучлари ҳамда Ҳарбий-хаво кучлари бўлинмалари қатнашди.

Шартли душман базаларига ва у жойлашган ҳудудларга Ҳарбий-хаво кучлари таркибидagi МиГ-29 ва Су-25 қирувчи самолётлари, Ми-24 вертолётларидан зарбарлар берилди. Чалғитувчи ҳаракатларни амалга оширган ҳолда, давлат chegarасини ёриб ўтишга фаол қирришган шартли ноқонуний тўдаларни артиллерия дивизиони ёрдамида яқсон этишга қарор қилинди.

Шундан кейин жанг майдонида танкчилар бўлинмаси пайдо бўлди. Улар танк биатлонига қўлланиладиган «Сувли тўсиқ», «Эскарп» ва «Тирасли қўриқ»дан моҳирона ўтиб, белгиланган маррани эгаллаб, «Танк карусели» жанг усулини қўллади.

Мудофаа операцияси давомида шартли оғир яраланган ҳарбий хизматчиларни жанг майдонидан олиб чиқиш, вертолётда эвакуация қилиш жараёни намойиш этилди.

Энг замонавий турдаги жанговар вертолётлар шахсий таркибни белгиланган ҳудудга десант усулида етказди. Парашют-десант батальони маршалар оралигидан суқилиб кирган шартли душмани умумқўшин заҳира куч ва воситалари билан яқсон қилиш вазифасини муваффақиятли бажарди.

Махсус-тактик машғулотлар ҳарбийларимизнинг юксак профессионал маҳоратини, юқори жанговар шайлигини, бир тану бир жон бўлиб ҳаракатланишини намойён этди.

Машғулотларни ҳарбий-маъмурий секторлар, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳам кузатиб борди.

Президентимиз полигон ёнидаги ҳарбий қисмда яратилган шароитлар, қуrol-аслаҳа ва техникани кўздан кечирди. Мудофаа тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлардан махсус мамлакатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш, халқимиз тинчлигини таъминлаш эканини таъкидлади.

Профессионаллиги билан алоҳида намуна кўрсатган полковник Қодир Турсуновга автомашина, бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга планшетлар совға қилинди. Шу ерда ҳарбий-маъмурий секторлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан йиғилиш ўтказилди.

Шу куни Қуrolли Кучлар академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча масалалар қатори ҳарбий қурилиш соҳасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Хавфсизлик кенгашининг жорий

йил 10 январда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берилган йўналишлар ҳаёта татбиқ этилди. Қуrolли Кучларни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга қаратилган 46 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Ўтган қисқа вақтда ҳарбий қисмларнинг тузилмалари тўлиқ янгиланди. Самарасиз ва бир-бирини такорлайдиган ҳарбий қисмлар қисқартирилди. Натижада қўшинларни сақлаб туришга кетадиган харажатлар камайди. Озиқ-овқат билан таъминлашда аутсорсинг тизими жорий этилди. Бу ҳарбий бўлинмалар жанговар тайёргарлигини ошириш, вақт кўрсаткичларини икки баробар қисқартириш имконини берди.

Мамлакатимиз армияси қуrolли кучлар қудрати бўйича дунё рейтингига бир йилда 9 поғонага кўтарилгани, Буюк Британияда ўтказилган нуфузли «Кем-брия патрули» танловига ҳарбийларимиз 90 мамлакатдан иштирок этган 123 жамоа орасида биринчи ўринни эгаллагани бу борадаги ишлар тўғрилигини аққол исботлайди.

Армия ва халқ бирлигини таъминлаш мақсадида барча ҳудудларда ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди ва улар самарали фаолият юритмоқда. Биринчи марта давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, вилоят ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида йиғинлар ўтказилди.

Соҳага ихтисослашган корхоналарни бирлаштирадиган Мудофаа саноати давлат қўмитаси ташкил этилди.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва соҳа фахрийларини ижтимоий ғимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунга қадар ҳарбий хизматчиларга 56 та уй топширилди. 1 минг 500 дан зиёд ҳарбийлар уй-жой билан таъминланди. Яна 74 та уй қурилиши давом этмоқда.

Йиғилишда мамлакатимиз ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлаш, мудофаа саноати ва ҳарбий таълимни ривожлантириш, қуrol-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни модернизация қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали қўшинларни бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинди.

Шавкат Мирзиёев Хавфсизлик кенгаши йиғилишида ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Аскарлар, ҳарбий хизматчилар мамлакатимизнинг шонли тарихини, она заминимизда яшаб ўтган буюк қаҳрамонлар, саркарда ва қўмондонлар ҳаёти ва жасоратини чуқур билиши, улар билан гурурланиши лозимлигини таъкидлади.

— Мана, Амир Темури бобомиз билан ҳаммамиз фахрланамиз. Лекин ҳолисона айтилди, улуг Соҳибқироннинг «Тузуклари»ни қанча асқар ўқиган, — дея савол қўйди Шавкат Мирзиёев. — Ёки буюк саркарда Жалолитдин Мангубердиннинг ҳаёти ва ҳарбий маҳорати ҳақида ҳамма ҳам етарли билимга эгами? Ваҳоланки, бу аждодларимизнинг ғалабалар, стратегия ва тактикаларини дунёдаги кўплаб ҳарбий мактаб ва академияларда бугун ҳам ўрганишади.

Давлатимиз раҳбари аскарлар ҳарбий қасамдб қабул қилишдан олдин албатта, Ўзбекистон тарихи ва «Темури тузуклари» фанидан синов топшириши кераклигини қайд этди. Илгор ҳарбий қисмларга улуг саркардаларимизнинг номини бериш, моҳир лашқарбоши бобларимиз ҳақида илмий тадқиқотлар, бадиий китоблар, кинолар яратишга кўрсатма берди.

Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигини ишончли таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳарбий таълим масаласига биринчи даражали эътибор қаратиш, мактаблардаги ҳарбий тайёргарлик дорларига шу ҳудудда хизмат қилаётган, юксак инсоний ва касбий хусусиятларга эга жанговар офицерларни жалб этиш, ўқувчиларни ҳарбий қисмларга олиб бориш ва хизмат жараёнилари билан ақиндан таништириш бўйича топшириқлар берилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқимизнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон давлат филармонияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали ташкил этилди.

Ўзбек мумтоз ва фольклор санъатининг ноёб намуналарини, ўзига хос ижро мактаблари ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш тизими яратилди. Ўзбек миллий макрам санъати маркази ва музейи ташкил этилди. Ҳар икки йилда бир марта Халқаро макрам санъати анжумани ҳамда Халқаро бахшчилик санъати фестивалининг ўтказилиши ноёб меросимизнинг нуфузини жаҳон миқёсида ошириш йўлида муҳим амалий қадам бўлди.

Айни пайтда миллий маданиятни янада ривожлантиришга тўқинчилик қилаётган бир қатор тизимли камчиликлар маъжуд. Жумладан:

биринчидан, маданият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, маданият ва санъат муассасалари, ижодий уюшма ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми, ижодкорларни ижтимоий ғимоя қилишга қаратилган ягона ҳуқуқий база яратилмаган;

иккинчидан, ёш ижодкорларга таълим-тарбия бериш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида пухта тизим яратилмагани маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали олиб бориш, аҳолининг ўсиб бораётган маданий эҳтиёжларини қондириш ва маданий хизматлар сифатини кескин ошириш имконини бермапти;

учинчидан, аксарият маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базаси замон талаблари ва халқаро стандартларга мос келмайди, бу эса уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун имкон бермапти;

тўртинчидан, замонавий медиа маконда миллий маданиятимиз муносиб ўрин эгалламагани, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари тўлиқ жорий этилмагани соҳани кенг тадқиқ ва тарғиб этиш, халқаро маданий жараёнларга талаб даражасида интеграция қилишга йўл бермапти;

бешинчидан, маданият ва санъат соҳасидаги нуфузли халқаро фестивал ва танловларда ижодкорларимизнинг иштирокини изчил таъминлаш ва уларнинг сара асарларини намойиш этиш, миллий ижодий маҳсулотларни экспорт қилишнинг самарали тизими яратилмагани, хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмагани ҳам соҳа ривожига тўқинчилик қилмоқда.

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда жаҳон маданияти билан ўйғун ҳолда ривожлантириш, миллий маданиятни кенг тарғиб этиш, унинг халқаро маданий маконда туган ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб юритилади) 1-иловага;

2019 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага мувофиқ;

2019 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятини янада ривожлантириш концепциясини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурлари (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар дастурлари) 2.1—2.14-иловаларига мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, 2021 йил ва ундан кейинги йиллар учун Концепцияни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» ва Чора-тадбирлар дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

2. Концепциянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

маданият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий базани, ушбу соҳадаги институционал тизимни ва маданият муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш;

тарихий ва маданий меросимизни сақлаш ҳамда уни ёш авлод тарбиясида кенг қўллаш;

миллий ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз онгига синдириш, этник маданий анъаналарни асраб-авайлаш ва шу асосда халқ ижодиётини қўллаб-қувватлаш;

аҳоли, жумладан, ёшларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва кенгайтириш;

маданият соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, маданиятни янада кенг тадқиқ ва тарғиб этишда инновацион гоялар ва технологиялардан самарали фойдаланиш;

фуқароларнинг, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётида фаол иштирок этиши ва маданий хизматлардан фойдаланишда ижтимоий тенглигини таъминлаш;

маданий соҳада ўзаро самарали халқаро муносабатларни ташкил этиш ва ривожлантириш, миллий маданиятга жаҳон маданиятининг ажралмас қисми сифатида қараш, бу борада тенг ҳуқуқлилик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

қабул қилинаётган иқтисодий, ижтимоий ва маданият соҳасига оид қарорларнинг ушбу соҳадаги ягона давлат сиёсатига мослигини таъминлаш;

маданият ва санъат муассасаларининг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш, уларнинг моддий ресурс базасини янада мустаҳкамлаш, объектларни сақлаш ҳамда муҳофаза қилишда жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган маданият ва аҳоли дам олиш марказлари негизда маданият марказлари ташкил этилсин.

Қуйидагилар маданият марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Давоми 3-бетда. ►

ОБОД МАНЗИЛЛАР

НУРОБОД НУРЛИ КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ ИНТИЛМОҚДА

Кўҳна Самарқанддан республикамизнинг жанубий сарҳадлари томон йўл оларкансиз, тоғлар бағрида ястаниб ётган бепоён яйловлар, қир-адирлар сизни ўз оғушига олади. Беихтиёр атрофга боқасиз. Ҳар қадамда яратувчанликка интилаётган одамлар, барпо этилаётган иншоотларга дуч келасиз. Бир тарафда сон-саноксиз қўй-қўзи, иккинчи тарафда чексиз ғаллазор, майин чўл шабадасида оҳиста қайқалаётган дарахтлар эътиборингизни тортади. Жанубдан то Қашқадарёгача, ғарбдан Навоийгача бўлган

масофада ана шундай манзаралар кўз ўнгингизда намоён бўлаверади.

Йилдан-йилга ривожланиб, аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланиб бораётган Нуրобод тумани аҳолиси асосан чорвачилик, лалимкорлик ва деҳқончилик билан шугулланади. Тадбиркорлик, ҳунармандчилик каби яна бир қатор соҳаларни танлаганлар ҳам анчагина. Туман ҳудудининг катталиги жиҳатидан республикамизда юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Лекин кишлоқлар тарқоқ, бир-бирдан анча олис жойлашган. Кейинги маълумотлар аини пайтда

туман ҳудудига 145 минг нафарга яқин аҳоли яшашини тасдиқлайди.

Мустақиллиги йилларида туман ҳар томонлама тараққиёт сари интилди. Асрлардан буён қақраб ётган ерларнинг бир қисмига сув чиқарилди, кишлоқлар ободонлашиб, аҳоли турмуш фаровонлиги яхшилана бошланди. Аммо кейинги бир-икки йил орасида қилинаётган ишларнинг қўламини бекиб, авжи бандан Муҳбиримиз туман ҳокими Фахриддин ЗОИРОВ билан ҳудудлардаги бугунги қайноқ жараён ҳусусида сўхбатлашди.

Давоми 4-бетда. ►



КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ
— АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ
ҚУРУҚ ТАДБИР
ЭМАС,
АМАЛИЙ НАТИЖА КЕРАК

Бир аёл қабулимга келганини айтишди.
— Келинг, — дедим уни ичкарига чорлаб.
— Партияга раҳмат айтгани келгандим, — деди у. — Гулсара Наврӯзоваман, Бухоро туманида туғилганман. Ешим 38 да. Яқин кунларгача оилам пароканда, яшагача уйим йўқ эди. Болаларим сарсонлигини кўриб, бир эзилсам, уй муаммоси сабаб янада абгор бўлардим. Рўзгор ташвиши, муаммоларим боис қийналиб юрган-им устига арзон уйлардан оламан, деб минг умид билан пул йиғиб, тўласам-у, аммо ташвишим ҳал бўлмаса...

Бухоро шаҳридаги Шарқ 1-қўчаси, 29-хонадонга келин бўлиб тушганман. Икки хонали уйда биздан ташқари уч ўғил ва бир қиз яшардик. Қайнонамнинг қистови билан у ердан чиқиб кетишга мажбур бўлдик. Онамининг Бухоро тумани, «Лоша» маҳалласидаги уйда яшай бошладим. У ерда ҳам тинчлигим тополмай, «Хулини» МФДдан ижара уй топиб, 2 болам билан кўчиб келдик. Турмуш ўртоғим ва бир фарзандим қайнонамнинг уйда турарди. Мен эса кичик фарзандим билан ижарада. Чунки катта қизим Бухоро шаҳридаги 29-мактабда, кичигим ижарахонамиз яқинидаги мактабда ўқийди. Оиламиз иккига ажралиб қолганди. Бухоро туман ҳокимиятига уй-жой сўраб қўлган мурожаатимга «2 сотихли арзон уйлардан берамиз, бошлангич тўловни тўланглар», деган жавоб олдик.

Амаллаб пул топиб, ўтган йили «Қишлоққурилишбанк»нинг Галасиёе филиалига 21 миллион 300 минг сўм тўладик. Орадан бир йил ўтса-да, уйдан дарак бўлмади. Борманган жойим, мурожаат қилмаган идорам қолмади. Бухоро туман ҳокимиятидагилар аввалига иш жойингиз йўқ, деб баҳона қилишди. Ободонаштириш бўлимига ишга кирдим. Кейинчалик эса мактабга жойлашдим. Янги уйни кутиб болаларим эзилиб кетди. Идора-ларга қатнашиб тинкам қурди. Ҳеч бўлмаса, бизга берилмаган уйнинг қурилишини кўрсатинг, десам ҳаби бу уй қурилиши учун ер ажратилмаганини айтишди. Қизик, унда нега бошлангич тўловни олишди? Не-не умидлар билан пул тўлаб, уйни ололмай сарсон бўлсанг, кишига оғир ботаркан. Яхшиямки, Ўзбекистон ХДП туман кенгаши фаоллар кийинги йилга бориб, муаммоларимизни ўрганишди. Сайёр қабулдаги мурожаатимдан кейин кўп ўтмай уйга кўчиб келдик. Партия фаоллари ёрдами билан оиламиз яна бирлашди, икки болам бағримда. Ўз уйимда яшай бошладим...

ЎзХДП вилоят кенгаши фаолиятида бундай «мисоллар» аз эмас. Партиямиз дастурий мақсадларида оғир аҳволга тушиб қолган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари муҳим ўрин тутди. Шунингдек, ногиронлиги бор шахсларнинг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш, турмуш даражасини ошириш партия ташкилотлари ва депутатлар олдида турган асосий вазифалардан саналади. Шу боис Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши томонидан турли хайрия тадбирлари доимий равишда ўтказилмоқда. Бундан ташқари, рўзгор учун керакли махсулотлар ҳам тарқатилляпти.

Бухоро шаҳрида яшовчи ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳолидан хабар олиниб, уларнинг

Ўзбекистон ХДП туман кенгаши фаоллари қишлоғимизга келиб, муаммоларимизни ўрганишди. Сайёр қабулдаги мурожаатимдан кейин кўп ўтмай уйли бўлдик. Партия фаоллари ёрдами билан оиламиз яна бирлашди, икки болам бағримда. Ўз уйимда яшай бошладим...

яшаш тарзи ўрганилди. Мурожаатлар мутасаддилар билан ҳамкорликда ҳал этилди. Мисол учун, Раъно Фармонова, Татьяна Горсеева, Дилфуза Рамазонова, Солиха Ўсуповага ногиронлик аравачалари топширилди.

Шунингдек, имконияти чекланган болажонлар ҳам лойиҳа давомида партия кенгашлари диққат марказида бўлди. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, қўнғил сўралди. Ўғил-қизларнинг қизиқишлари ўрганилди. Бундай мисолларни кўп давом эттириш мумкин. Мақсадимиз — одамларни рози қилиш, эҳтиёжларига аҳоли манфаатларини ҳимоялаш орқали халқ ҳаётига чўқур кириб боришдан иборат.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида партиямиздан сайланган 104 нафар депутат фаолият кўрсатади. Ўтган йилдан буён партия 32-Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 97 нафар болага бириктирилганди. Депутатлар ўз қарамағидаги болалар учун масъул, уларнинг ўқиши, муаммолари, қизиқишлари, соғлиғидан хабардор бўлиб турибди. Ҳафта-нинг ҳар жумаси депутатларнинг Меҳрибонлик уйига ташрифи кун, деб белгиланган. Шу кунни болакайларга соғалар берилди, улар билан дилдан суҳбатлашади. Муҳими, муассаса билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

ЎзХДП электорат муаммоларини ўрганишда давом этади. Бажаиримиз зарур бўлган вазифаларимизни танқидий таҳлил қилиб, бу борадаги фаолиятимизни қайта кўриб чиқишимиз. Баландпарвоз галларни четга қўйиб, амалий ишлар билан шуғуллансак, одамлар ишончини қозонишимиз мумкин.

Робия КАЗИМОВА,
Ўзбекистон ХДП Бухоро
вилоят кенгаши раиси.

Қоғозда қолиб кетадиган меъёрлар ўрнини амалиётга тадбиқ этиладиган,
тўғридан-тўғри ишлайдиган ҳуқуқий ҳужжатлар эгалламоқда.

КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН ОЛДИДАН

КАФОЛАТЛАНГАН ҲУҚУҚЛАР — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси шу мавзуда давра суҳбати ўтказди

Конституция демократик кадрият, ва ижтимоий адолат қарор топишида, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечирishi ҳамда миллий тотувликни таъминлашда асосий омил саналади. Бугунги кунда Бош қомусимиз асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда.

Конституциямизда ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш, меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш каби ҳуқуқлар кафолатланган.

— Инсон ва унинг шаъни, кадр-қиммати улугланган Асосий қонунимизда юртимизда яшаётган барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқли экани, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши белгилаб қўйилган, — деди Олий



Сенатор ШОТЎЛТАҒАНОВ оғлан суҳбатлар.

Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Бунёд Эшонқулов. — Мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъулиги, оила муқаддаслиги, фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқлари кафолатлангани эса унинг халқчиллиги ва ҳаётийлигини кўрсатади. Вақт ўтгани сайин талаб ҳам, эҳтиёж ҳам ўзгариб боради. Шундан келиб чиқиб, Конституциямизга бир қанча қўшимча ва ўғартиришлар киритилди. Бу орқали инсон манфаатларини таъминлаш кафолатлари кучайтирилмоқда. Жумладан, қабул қилинаётган

қонун ва қонуности ҳужжатлари лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасига қўйиш, одамлардан, халқ орасидан ҳаётий тақлифлар олиш амалиёти кенгайиб бормоқда. Қоғозда қолиб кетадиган меъёрлар ўрнини амалиётга тадбиқ этиладиган, тўғридан-тўғри ишлайдиган ҳуқуқий ҳужжатлар эгалламоқда. Ўйлаётганимиз, фаолиятимиз ҳам ана шу ўзгаришлар асосида янада жадаллашиб, такомиллашиб боради.

— Ёшлимиз мустақилликдан олдинги тузумга тўғри келган, — деди халқ депутатлари Тошкент туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи раҳбари, меҳнат

фахрийси Мирислом Усмонов. — У вақтларда конституцийий ҳуқуқлар тушунчасининг ўзи ҳақида тасаввурга эга эмасдик. Энг ёмони, жамоат жойларида ўз она тилимизда гапиришдан ўчирдик. Мустақиллигимиз белгиси бўлган Конституция чин маънода қомусимизга, ор-номусимизга айланди. Олдимизда турган вазифа эса бу ҳақда фарзандларимизга кенг тушулча беришдан иборат, деб биланаман. Бош қонунимиз ҳаётимиз, фаолиятимиз, кундалик турмуш таризимизнинг ажралмас қисми эканини унутмаслигимиз зарур.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП: СИЁСИЙ ЎҚУВ

САЙЛОВ ТИЗИМИ РАҚАМЛАШТИРИЛАДИ

Бугун хонамиздан чиқмасдан дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиш, уни баҳолаш, таҳлил қилиш, фикр билдириш кундалик ҳаёт таризимизга айланиб улгурди. Тараққиёт йирик лойиҳалар, деярли барча фаолият турларининг электрон кўринишини яратмоқда. Президентимизнинг жорий йил 4 октябрдаги «Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам айнан мана шу мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Қарорда мамлакатимизда электрон сайлов тизимини яратиш борасидаги устувор вазифаларни амалга ошириш ҳамда миллий сайлов тизимини ислох қилиш масалалари қамраб олинган. Унга кўра, «бир сайловчи — бир овоз» принциpigа тўлиқ риоя қилиш мақсадида сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан фойдаланилиши белгиланган.



Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ўтказган сиёсий ўқувда ушбу қарор мазмун-моҳияти чўқур ўрганилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия масъуллари, мутахассислар иштирок этди.

— Эркин фикр алмаштириш жоғаланиши сайлов жараёнининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашнинг муҳим воситаларидан биридир, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Меҳрожидин Дархонов. — Ушбу тизимга киритилаётган ўзгаришларнинг муҳим жиҳати 2019 йилги сайловларда электрон тизимдан кенг фойдаланилади. Бунинг учун муайян кўникмаларни ҳозирдан шакллантириб бориш зарур.

— Айтиш кераки, Ҳаракатлар стратегиясида бу борада долзарб вазифалар қамраб олинган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Шўхрат Турсунбоев. — Яъни, юртимиз сайловчиларининг Ягона электрон рўйхати ва сайлов жараёнларини бошқаришда ахборот тизимини такомиллаштириш ҳамда «Электрон ҳукумат» тизими доирасида бутун республика бўйича жорий этиш белгилаб қўйилган. Сайлов жараёнига замонавий

санаб чиқиш, яқунларини умумлаштириш ишлари енгиллашади.

— Электрон тизим сайловчилар учун қўшимча қулайликлар яратиши билан бирга сайлов комиссиялари ишини ҳам осонлаштиради, — деди Ягона интегратор ЎЗИНФОКОМ МЧЖ мутахассиси Камола Аҳмаджонова. — Ушбу дастурнинг ишга туширилиши фуқароларнинг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойи, чет элга чиқиш ва қайтиши ҳақидаги батафсил маълумотлар белгиланишини талаб қилади. Ўй-жой ҳамда бошқа кўчмас мулк объектлари, ҳудудлар, кўчалар, уйлар ва хонадонларнинг номлари, рақамлари электрон шаклда аниқ кўрсатилади. Бу эса фуқаролик ҳолати далолатномаларини тўлиқ тартибга солиш, аҳоли миграцияси, паспорт тизими ва давлат кадастр хизматини юқори савияга кўтаришга олиб келади.

Тўғриси, шу кунгача бир сайловчи бир нечта рўйхатга кириб қолиши ҳолатлари учраётганди. Яъни, яшаш жойи бошқа, доимий рўйхати бошқа манзилда. Натижада сайлов кунин айрим муаммолар юзга келади. «Бир сайловчи — бир овоз»га эга деган тамойилга айрим ҳолларда риоя этилмай қоларди.

Бунинг бош сабаби сайловчиларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойлари тўғрисидаги ишончли ҳамда аниқ ахборот етарли бўлмагандир. Мазкур масала кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрининг йўқлиги ёки объектлар ҳужжатлари қоғоз шаклида эскириб кетган, яхлит кўринишга эга бўлмагани муайян қийинчиликларни келтириб чиқарди. Сайлов участкаларининг замонавий компьютер ускуналари билан жиҳозланиши ва интернет тармоғига уланиш даражаси пастлиги ахборот-коммуникация технологияларидаги тўлиқ фойдаланиш имконини бермасди. Сайлов комиссиялари аъзоларининг тизимдан фойдаланишга доир билим ва кўникмаларини ошириб бориш ҳам сайлов жараёнини рақамлаштириш ва автоматлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўйлаётганимиз, келгуси сайловларга қадар бу кенг омиллашади.

Семнарда сайлов жараёнида ахборот технологияларининг қўлланилишига оид батафсил маълумот берилди. Ўзбекистон ХДПнинг сайловлардаги иштирокида барча тузилмалари масъуллари, бошлангич ташкилотлари ахборот технологияларини ўрганишга оид тавсиялар берилди. Ўқувнинг иккинчи қисмида интерфаол услубдаги баҳс мунозаралар бўлди.

Бундай ўқувлар барча даражадаги партия ташкилотларида ўтказилади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши томонидан ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган тадбирларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёшларнинг муаммолари қандай ҳал этиляпти?..

Жорий йил мобайнида турли муассаса, ташкилот ва корхоналарда «Биз терроризмга қаршимиз», «Ёшлар — келагачимиз таянчи», «Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар», «Информацион хуружларнинг ёшлар онига таъсири», «Оммавий ахборот воситалари ва ёшлар тарбияси», «Жиноятсиз келахак сари» лойиҳалари доирасида тарғибот тадбирлари, форум ва давра суҳбатлари ташкил қилинди. Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши сессиясида 8 маротаба, вилоят ҳокимлиги аппарат мажлисларида 9 мартаба ва 30 га яқин бошқа кенгайтирилган йиғилишларда ёшлар масалалари муҳокама этилди.

Йигит-қизларни иш билан таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида секторлар томонидан сайёр учрашувлар, меҳнат ярмаркалари ўтказилляпти.

Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Навоий вилоят кенгаши ҳамда партия гуруҳи аъзолари ёрдамида ёшларга 250 та тикув машинаси, 400 бош майда тўёқли қорамол, 600 дон парранда, тақририй экин экиш учун 72 гектар ер ажратилди.

Хориждан қайтиб келган 800 нафардан ортиқ ёшлар билан учрашувлар ўтказилди. 300 нафардан ортиқ йигит-қизнинг бандлигини таъминлашга эришилган бўлса, хорижий мамлакатларда ишлаётган ва таълим олаётган ёшлардан 45 нафари билан телефон орқали мулоқот йўлга қўйилди.

ЎзХДП Зарафшон шаҳар кенгаши томонидан ҳам қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларга жиддий эътибор берилмоқда. Тегилли идоралар билан меҳнат ярмаркалари изчил ўтказиб келинмоқда.

Партия фаоллари шаҳарнинг чекка ҳудуди — «Металлург» маҳалласида аҳолининг яшаш шартини ҳам ўрганди. Муаммолар бўйича тегилли жойларга депутатлик сўровлари юборилди.

Шаҳардаги «Алпомиш» спорт мажмуасида ЎзХДПнинг 27 йиллиги ва НКМК ташкил топланининг 60 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ишчи-ҳодимлар оилалари ўртасида «Биз — спортчилар оиласимиз» шиори остида мусобақа ўтказилди. Фаол оилаларга шаҳар кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Раъно ТЎРАЕВА,
ЎзХДП Зарафшон шаҳар
кенгаши ихроци котиби.

ЭШИТДИНГИЗМИ?..

ХУСУСИЙ БАНДЛИК АГЕНТИКЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

ва фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш учун лицензия бериш бошланди

Ўтган ойда Президент «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Қонунни имзолаган эди. Ушбу ҳужжат орқали Ўзбекистон фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш бўйича давлат монополияси тугатилди. Эндликда мазкур фаолият тури билан хусусий ташкилотлар ҳам шуғулланиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, хусусий бандлик агентликлари номланишида «XUSUSIY BANDLIK AGENTLIGI» сўзлари бўлиши керак.

Қонунда, шунингдек, фуқароларни Ўзбекистон ҳудудида ёки ташқарисида ишга жойлаштириш бўйича амалга ошириладиган ҳар қандай фаолият учун хусусий бандлик агентликлари рўйхатдан ўтказиш ва <https://reestr.mehnat.uz> сайти орқали реестрга киритиш зарурлиги назарда тутилган.

Шунга мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги <https://reestr.mehnat.uz> сайтини ишга туширди. Сайт орқали онлайн тартибда 2 хил турдаги хизматдан фойдаланиш мумкин: хусусий бандлик агентликлари реестри ва Ўзбекистон фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш бўйича фаолият юритиш учун лицензия олишга ҳужжатлар ҳавола этиш.

Агарда хусусий бандлик агентликлари Ўзбекистон фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш фаолияти билан шуғулланганидан бўлса, худди шу <https://reestr.mehnat.uz> сайти орқали лицензия олиши, лицензия олиш учун ҳужжатларни топшириш зарур.

Лицензия олиш шартлари Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўлаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жағфарасида 50 000 АҚШ долларини захиралаш ҳамда штатда камиди икки нафар ҳодимнинг бўлиши каби талаблардан иборат. Хусусий бандлик агентлиги устав фондининг энг кам миқдори белгиланмаган.

Манба: mehnat.uz —
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги расмий сайти.

ОБОД МАНЗИЛЛАР

НУРОБОД НУРЛИ КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ ИНТИЛМОҚДА



— Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 17-18 март кунлари Самарқандга ташрифи давомида Нуробод туманида ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ишларга ҳам эътибор қаратди. Туман фаоллари, меҳнаткашлари олдида муҳим вазифалар қўйилди. Давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириқлар ижроси борасида қандай ишлар амалга оширилди, бугун нималарга эътибор қаратилаяпти?

— Ташриф доирасида Пастдаргом туманида бўлган йўналишда Нуробод марказини республика аҳамиятидаги автотрассалар билан боғловчи йўللари таъмирлаш муҳим вазифа эканлиги айтилди. Президентимиз бу борадаги мавжуд муаммолар ечими ҳақида гапирди. Туманимиз ҳудудида 388 километр умумфойдаланувчи йўллари таъмирлаш муҳим вазифа эканлиги айтилди. Президентимиз бу борадаги мавжуд муаммолар ечими ҳақида гапирди. Туманимиз ҳудудида 388 километр умумфойдаланувчи йўллари таъмирлаш муҳим вазифа эканлиги айтилди.

2018-2019 йилларда Нуробод туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари асосида иқтисодиётнинг асосий тармоқларида 87 та умумий қиймати 2342,4 миллиард сўм бўлган лойиҳалар ишга туширилиши, бунинг натижасида 1024 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган эди. Бугун айнан шу лойиҳалар бўйича ишлар жадал олиб борилаёпти.

Хорижий давлатлардан инвестициялар кiritиш ҳисобига иқтисодиётини ривожлантириш, жойларда янги иш ўринлари яратишга жиддий эътибор қаратилаяпти. Масалан, «Жом қишлоғидаги «Жом мармар» шўъба корхонаси фаолиятини тиклашдан мақсад айнан шундай муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Айни пайтда «Узқурилиш-материаллари» акционерлик жамияти «Алоқабанк» ва «Азия Альянсбанк» билан биргаликда бу масаланинг ечими билан шуғулланмоқда. «Жом мармари» шўъба корхонаси фаолиятини

«Давоми, бошланиши 1-бетда.

тиклаш учун хорижий ҳамкорлар билан шартнома тузиш ишлари олиб боришмоқда.

Шунингдек, мазкур қишлоқ атрофидаги конлардан самарали фойдаланиш мақсадида янги корхоналар ташкил этиш масаласини тумани ривожлантириш дастури лойиҳасига қўйиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилди. Бунинг учун «Самарқанд Магма стоун» МЧЖ томонидан 18,7 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилади.

— Тadbirkorlikni kўллаб-қувватлаш, қўлай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида бажарилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Жорий йил бошидан бери туманга 11,8 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция киритилди. 2018-2019 йилларда инвестиция дастурига киритилган 7 та лойиҳани амалга ошириш устида иш олиб боришмоқда. Умумий қиймати 234,3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги таъмир-қўриқ ишлари қилинган. Бунинг натижасида 570 та янги иш ўрни яратилди.

Мазкур лойиҳалар қаторидан ўрин олган учта замонавий иссиқхона ташкил этилишининг ўзига 5,52 миллион АҚШ доллари сарфланади. Бу маблагнинг 0,92 миллион АҚШ доллари тadbirkorlar сармоясини ташкил этади. Тижорат банклар кредитлари миқдори 4,6 миллион АҚШ доллари тенг бўлади. Ушбу учта лойиҳа 100 та янги иш ўрни яратилишига имкон яратилади. 3 та интенсив боғ яратилиши туман иқтисодиётининг ривожланишига, аҳоли турмуш даражасининг ошишига муҳим роль ўйнайди. Боғлар учун 18,7 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфланади.

Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи доирасида 2018 йилда амалга оширилиши кўтилаётган истиқболли лойиҳаларнинг тақдими мобайнида Нуробод туманига Халқаро молия ташкилотлари кредит линиялари ҳисобидан 7,150 миллион АҚШ доллари ажратилди.

— Қайси соҳаларда янги иш ўринлари кўпроқ яратилмоқда?

— 3,6 миллион АҚШ доллари

ҳисобига 2 та замонавий иссиқхона барпо этилишининг ўзи 100 та янги иш ўрни яратилишининг имконини беради. 3 та интенсив боғ учун 18 миллион 700 минг АҚШ доллари сарфланади. Бу боғларга 110 нафар ишчи жалб этилади. Чорвачилик йўналишида битта йиррик лойиҳа амалга оширилаёпти. Ушбу лойиҳа эгаси ўз маблаг ҳисобидан 2,0 миллион АҚШ доллари Германиядан 400 бош насли қорва моли келтириш ва корхонасида 10 та янги иш ўрни яратиши кўлашмоқда.

Нуробод дашт ҳудудидаги чорвачилик тумани бўлса-да, бу ерда саноат ривожига катта эътибор берилди.

— «Ургут-2» эркин иқтисодий зонасининг Нуробод тумани билан боғлиқ жиҳатлари кўпчиликини қизиқтиради. Шу ҳақда ҳам маълумот берсангиз.

— «Ургут-2» эркин иқтисодий зонаси туманимиз ҳудудидаги Сазагон массивида жойлашган. Айнан шу ерда 6 та йиррик лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Жумладан, шу ҳудудда барпо этиладиган «Oil Extraction» МЧЖ шаклидаги Сингапур — Ўзбекистон қўшма корхонаси ПЭТ тара ва пластмасса идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Унинг йиллик қуввати 18 минг тонна мой, 720 минг дон полиэтилен идишлари ҳамда уларга 900 минг дон қопқоқ ишлаб чиқаришга тенг бўлади. Лойиҳа қиймати 15000,0 АҚШ доллари бўлган ушбу корхона жорий йилнинг тўртинчи чорагида ишга туширилади.

Мазкур эркин иқтисодий зона ҳудудида бунёд этилаётган «Mirankul konstruktion materials LTD» МЧЖ корхонасида кабель йўлақлар, металл шпелерлар, вентиляция тизимлари, электр шитлар ва кесилуви штерженли конструкция тизимлари ишлаб чиқарилади. Лойиҳа қиймати 3019,7 АҚШ доллари бўлган мазкур корхона жорий йилнинг сўнгги чорагидан бошлаб фаолият кўрса бошлайди. Бу ерда яратилаётган иш ўринлари 54 та иш ўрнига тенг.

«Ургут-2» эркин иқтисодий зонасида йиллик ишлаб чиқариш қуввати 22 миллион сўмга, йиллик экспорт ҳажми 3,3 миллион АҚШ доллари миқдорида

мўлжалланаётган яна бир корхона барпо этилмоқда. «TESPACK ENGINEERING» МЧЖ шаклидаги бу корхона ПЭТ тара ва полиэтилен идишлар ҳамда полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ушбу корхонанинг лойиҳа қиймати 1893,5 минг АҚШ доллари ташкил этади. Бу корхона ишга туширилди ва 44 та иш ўрни яратилди.

Айнан шу ҳудудда йилнинг сўнгги чорагида ишга туширилиши режалаштирилаётган янги корхоналардан бири «Librikants»да юк автомобиллари шиналари ишлаб чиқарилади ва реставрация қилинади. Унинг йиллик қуввати эътибор қаратайлик: 86400 донга юк автомобиль шинаси, 8640 тонна мотор ёғи, 8640 тонна антифриз ишлаб чиқариш.

— Туманда қоракўлчиликни ривожлантириш бўйича катта тажриба бор. Бу соҳада қандай янгилликлар бўлмоқда?

— Албатта. Туманда қоракўлчиликни ривожлантириш, бунинг учун аввало, яйловлар ҳолатини, селекция ишларини яхшилашга доимий эътибор қаратилиб келинмоқда. Яқинда туманимизда бўлиб ўтган республика қоракўлчиларининг ҳудудий семинарида ҳам бу масала бош мавзу бўлди. Унда Самарқанд, Навоий, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан келган тармоқ идоралари раҳбар ва мутахассислари, фермерлар қоракўлчилик тармоғини янада ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда юзга қалаётган муаммоларни бартараф этиш йўллари муҳокама этилди. Семинар доирасида туманимиздаги Жарқудуқ қишлоғида Самарқанд вилояти «Қоракўлчилик маркази» очилди. Янгидан ташкил этилган ушбу марказда хизмат кўлувчилар учун яратилган шарт-шароитлар, ўқув хонаси, ветеринари дорихонаси, омухта ем омборлари, тикувчилик, жун хомашёсини сақлаш ва қайта ишлаш цехлари ҳамда иссиқхона фаолияти тadbirkorlar қатнашчилигида катта қизиқиш уйғотди.

Мазкур марказни ташкил этиш, жиҳозлаш ва обodonлаштириш ишлари учун 460 миллион сўм сарфланди. Бундан кўзланган мақсад қоракўлчилик соҳаси мутахассисларининг билими ва тажрибасини оширишдан иборат. Марказ очилиши натижасида қоракўл ва гўшт етиштириш, озуқа тайёрлаш цехлари фаолияти йўлга қўйилди. Замонавий қушхоналар очилиши, терини ошлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариши йўлга қўйишга имкон яратилди.

— Шу йилнинг эрта баҳорида Жом ва Гирдикўрган маҳаллаларида «Обод қишлоқ» дастури асосида катта ҳажмдаги обodonлаштириш ва бунёдкорлик ишлари бошланган эди. Бугунгача нималарга эришилди?

— Жом республикаимиздаги энг қадимий ва йиррик қишлоқлардан бири. Бугун 30 минг нафарга яқин аҳоли яшаётган бу қишлоқда Жом, Гирдикўрган, Тегирмон-боши ва Оманора маҳаллалари бор. Жорий йилда уларнинг икkitаси — Жом ва Гирдикўргонда «Обод қишлоқ» давлат дастури асосида обodonлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилади. Қисқа даврда ташаббускор ва ҳомий ташкилотлар томонидан мазкур маҳаллаларда 761 уй-йўл таъмирланди. Янги замонавий мактабгача таълим муассасаси, қишлоқ оилавий поликлиникаси, бозор барпо қилинди. Ҳаммом, икки автобекат, учта автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, 14 савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат шохбчалари қурилди. Намунавий лойиҳадаги арзон 75 та уй-йўл бунёд этилди. Маҳаллалардаги 7,76 километр йўлга асфальт ётқизилди...

— Жом билан суҳбатда яна бошқа бунёдкорликлар, кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласида қатор ислохлар келтирилди. Хулоса қилиб айтганда, узоқ йиллар давомида эътибордан деярли четда қолиб кетган Нуробод туманида бутун тарихий ишлар амалга оширилмоқда, одамларни ҳайратга солаётган ва қувонтираётган ўзгаришлар бўлмоқда.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Абдурашад САТТОРОВ
суҳбатлашди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



«МИКРОКРЕДИТБАНК»: ХУНАРМАНДЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

Юртимизнинг бетақдор миллий хунармандчилик намуналари бутун дунёни ўзига ром этиб келган. Бугунги кунда мазкур соҳага қаратилаётган эътибор ва кўмак жойларда хунармандчиликнинг кўллаб йўналишлари янада раванқ топиши билан биргаликда халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга ҳам хизмат қилади.

Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони дастурийамал бўлаётди. Мазкур фармон ижроси юзасидан «Микрокредитбанк» АТБ, унинг жойлардаги филиаллари томонидан хунармандчиликни ривожлантиришга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида банкнинг биргина Самарқанд вилояти филиали томонидан соҳага 13,1 млрд. сўмлик кредит маблаглари йўналтирилган. Бунинг самараси ўлароқ, қанчадан-қанча юрдошларимизнинг эзгу мақсадлари рўйибга чиқмоқда.

ТАШАББУСЛАРИМИЗГА ДОИМ МАДАДКОР

— Жорий йил бошида яқин тартибдаги тadbirkorlik сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, фаолиятини йўлга қўйдим, — дейди Самарқанд шаҳридаги «Нуррашом-Савдо» мажмуасида ишлаётган Зулхумор Зоҳидова. — Фаолиятимни кенгайтириш, самарадорлигини ошириш мақсадида «Микрокредитбанк» АТБ Самарқанд вилояти филиалидан 50 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит олдим. Сармоя эвазига 7 та замонавий зардўзлик ускунасини устaxonамизга ўрнатдик. Ишчиларимиз сони 22 нафарга етди. Тез орада «Самарқанд зардўзлик мактаби»ни ташкил этиш нияти-

даман. Бунда ҳам, ҳеч шубҳасиз, банкнинг кўмагига таянман.

АЁЛ ТADBIRKOR БЎЛСА, ХОНАДОНГА ФАЙЗ БАРАКА ЕҒИЛАДИ

— Кўхна шахримиз ҳар йили дунёнинг турли нуқталаридан минг-минглаб сайёҳларга бағрини очди. Улар нафақат меъморий обидаларимиз, балки миллий аъёнalarимиз, хунармандчилигимиз, маданиятимиз билан яқиндан танишишни иста-шади, — дейди хунарманд Людмила Кудзиева. — Шу боис улар миллийлигимиз уфуриб турган бирор буюмни албатта сотиб олишади. Самарқандча андо-заларимизнинг қадри эса доимо баланд. Шу боис миллий кийим-лар тайёрлашни йўлга қўйдим. Фаолиятимдаги муваффақиятлар аввало мухтарам Президентимизнинг биз, тadbirkorlarга алоҳида эътибори, қопаверса, «Микрокредитбанк» АТБ Самарқанд вилояти филиалининг молиявий кўмаги билан қўлга киритилмоқда. 45 млн. сўм миқдоридаги имтиёзли кредит эвазига 10 та тикув машинасини сотиб олдим. Меҳнатимиз энгиллашиб, маҳсулот сифати ошди, янги иш ўринлари яратилди. Банк миқозлари орасида мен каби хунарманд хотин-қизлар сафи кенгайиб бораётгани эса минглаб рўзгорларни обод қилаётди, опа-сингилларимизнинг ҳаётдан мамнунлигини таъминламоқда.



МОЛИЯВИЙ КЎМАК — ТADBIRKOR УЧУН ТИРГАК

Кўхна Самарқанднинг Би-бихоним мадрасасида мўъжаз устaxonа бор. Саҳардан шомга қадар бу ерда болғачанинг «тақ-тақи» тинмайди. Бу — қандокор уста Нутфилло Саидовнинг устaxonаси. Хунарманднинг ҳаё-лот олами, бадий тафаккури, билим доираси шу қадар кен-ки, оддий мис буюмларга турли нақшу нигорлар, боқий шаҳар манзараларини муҳрашда асло тақдорий чизгилар ишлатмайди. Қуёшдек чарақлаган мис чой-диди, лаган, қумгон, қоса каби буюмлар эса юртимиз тароватининг бир бўлаги сифатида оқис уммонлардан ўтади, катта-кичик қиъталарга етади.

— Маҳсулотларимизга ҳам хорижий сайёҳлар, ҳам юр-дошларимиз орасида бирдек эътиҳ қатта, — дейди Нутфилло Саидов. — Баъзида хомашё етишмовчилиги сабаб ишимиз

Шаҳноза РЎЗИЕВА

РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА» ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



► Автокраны — 16, 25, 32, 50 т. ► Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
► Ямобуры. ► Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31 м. ► Самосвалы — 3 т, 4,5 т, 9 т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71) 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71) 233-38-55, (71) 233-47-80
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etiladi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruqsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1138. 6473 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 03:00.
Topshirilgan vaqti — 04:10.
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Bekzod ABDUNAZAROV

